

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил сентябрь ойининг 30 куни, жиноят ишлари бўйича Наманган туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, туман судининг раиси А.Кенжабаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Мўминалиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси-Наманган туман прокурорининг катта ёрдамчиси Т.Якуббаев, судланувчи Ғ.Юнусовнинг иштирокида, Юнусов Ғанижон Набиевичга оид 1-1602-2401/278-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Юнусов Ғанижон Набиевич, 1961 йил 15 февралда Наманган туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, Наманган тумани “Ободонлаштириш” бошқармаси ишчиси, нафақада, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Наманган туман судининг 2023 йил 3 апрелдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 3 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланиб, туман судининг 2024 йил 28 майдаги ажримига кўра ўталмаган 1 йил 11 ой 26 кун жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган, Наманган тумани, “Катта Тошбулоқ” МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 15-уйда яшайди, муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 4 сентябрда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 276-моддасининг 2-қисми “а,б” бандлари билан айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ғ.Юнусов илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноят содир этиб, 2024 йил 10 август куни Наманган туман ИИБ ЖҚБ ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда яшаш жойи-Наманган тумани, “Катта Тошбулоқ” МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 15-уйнинг томорқасида тақиқланган экин ҳисобланган 12 туп каннабис ўсимлигини қонунга хилоф равишда етиштириб келаётгани ҳамда ушбу жойда 2 туп куруқ ҳолатдаги, кўп миқдордаги 33,81 граммни ташкил этган каннабис гиёҳвандлик ўсимлигини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаб келаётгани аниқланган.

Наманган вилояти ИИБ ЭКБнинг 2024 йил 12 августдаги 1716-сонли хулосасида, текшириш учун тақдим этилган, 12 туп бўй ўлчамлари 20 см.дан 110 см.гача бўлган яшил рангли, илдизли, нам ҳолатдаги, 2-ўрамдаги бўй ўлчамлари 30 см.дан 70 см.гача бўлган, оч-яшил, сарғимтир рангли, илдизли, суруқ ҳолатдаги, ўткир “Cannabis” ўсимлигига хос ҳидли, ўсимликнинг майдаланган қисmlари тарзидаги модда таркибида актив гиёҳванд модда



тетрагидроканнабинол сақлаши ва ушбу модда “Cannabis” деб аталиши, 2-ўрамдаги ўсимликларнинг соф оғирлиги 33,81 граммга тенг эканлиги кўрсатилган.

Наманган вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бош мутахассисининг 2024 йил 10 августдаги хулосасида Ғ.Юнусовнинг яшаш хонадони томорқасида мевали кўчатлар орасида 12 туп наша ўсимлиги борлиги аниқлангани, улар игна баргли, ўткир хидли, энг кичиги бўйи 25 см.ни, энг каттаси 120 см.ни ташкил қилиши, ушбу 12 туп наша ўсимлиги атрофида бегона ўтлар йўқлиги ва суғорилгани кўрсатилган.

Наманган вилоят наркологик касалликлар диспансери судга оид наркологик экспертизасининг 2024 йил 12 августдаги 286-сонли хулосасида, Ғ.Юнусов наркологик диспансер ҳисобида турмаслиги, гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилмаслиги, гиёҳвандлик касаллиги билан оғримаслиги, мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги кўрсатилган.

Судланувчи Ғ.Юнусов суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлиги, 2024 йил 10 август куни туман ИИБ ходимлари яшаш хонадонини кўздан кечириб, томорқадан ўзи эка макка ўсимлиги ораси ва мевали дарахтлар тагида 12 туп наша ўсимлиги ўсиб ётганини ҳамда 2 туп қуруқ ҳолатдаги наша ўсимлигини аниқлашгани, наша ўсимлиги экинлар орасида ўзи ўсиб чиққани, лекин бепарволик қилиб, уларни юлиб ташламагани, 2 тупини сигарет ўрнида чекиш учун юлиб, қуришиб қўйгани, уларни бирор-бир шахсга сотиш ёки ўтказиш нияти бўлмагани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, енгиллик берилишини сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Н.Ахмаджанов суд мажлисида, 2024 йил 10 август куни Наманган тумани ИИБ ходимлари томонидан Ғ.Юнусовнинг яшаш хонадонини кўздан кечиришда яна бир фуқаро билан биргаликда холис сифатида иштирок этгани, хонадон томорқасидаги анжир дарахтининг тагида атрофи бегона ўтлардан тозаланган 12 туп ўткир хидли, яшил-сарғиш рангли, гиёҳванд ўсимлигига ўхшаш ўсимликларни етиштираётгани, бундан ташқари анжир дарахтининг устига 2 туп қуруқ ҳолатдаги ўсимлик тургани аниқлангани, ушбу ўсимликлар баённома расмийлаштириб олингани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Қурбанов суд мажлисида, гувоҳ Н.Ахмаджановнинг кўрсатувларига айнан ўхшаш мазмунда кўрсатув берди.

Суд, Ғ.Юнусовнинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатуvidан ташқари, билдирги, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, судга оид кимёвий экспертиза хулосаси, мутахассис хулосаси, ашёвий далиллар, гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Судланувчи Ғ.Юнусовнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан тўғри квалификация қилинган, чунки илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноят содир этгани ҳолда, яшаш хонадони томорқасида тақиқланган экин ҳисобланган



каннабис ўсимлигини қонунга хилоф равишда етиштирган ҳамда кўп миқдордаги каннабис гиёҳвандлик ўсимлигини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлаб келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилонга бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак деб;

50-моддасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек қонунчиликка мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди деб;

54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб тушунтириш берилган.

Суд Ғ.Юнусовга жазо тури ва миқдорини тайинлашда айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишдан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, унинг нафақа ёши эканлигини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, у айбланаётган моддалар санкциялари доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, жиноят ишлари бўйича Наманган туман судининг 2024 йил 28 майдаги ажримининг шартлилиги бекор қилиб, ЖКнинг 60-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман кўшиб, узил-кесил озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топди.

Шунингдек, суд ашёвий далил деб эътироф этилиб, ДХХ Наманган вилоят бошқармасида сақланаётган, тадқиқотдан сўнг қолган 12 туп ва 33,78 грамм каннабис ўсимлигини тегишли тартибда йўқ қилишни;

бир дона “ДВД” дискни жиноят иши билан сақлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462, 463, 465-468, 471-473 – моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У Қ М Қ И Л А Д И:



Юнусов Ганижон Набиевич Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 2-қисмининг “а” банди, 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Юнусов Ганижон Набиевичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 3 йил муддатга ишлаш ҳамда иш жойига бориш ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишини чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси, ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан 3 йил 6 ой муддатга ишлаш ҳамда иш жойига бориш ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишини чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан 3 йил 8 ой муддатга ишлаш ҳамда иш жойига бориш ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишини чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Жиноят ишлари бўйича Наманган туман судининг 2024 йил 28 майдаги ажримининг шартлилиги бекор қилиниб, ЖКнинг 60-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиб, узил-кесил 3 йил 10 ой муддатга ишлаш ҳамда иш жойига бориш ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишини чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Ғ.Юнусовга тайинланган озодликни чеклаш жазосини яшаш жойи-Наманган тумани, “Катта Тошбулоқ” МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 15-уйда ўташ белгилансин, жазони ўташ даврида яшаш жойини ўзгартирмаслик, Наманган вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик мажбурияти ўрнатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ижроси Наманган туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати Наманган туман ИИБда рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Ғ.Юнусовга қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил - ДХХ Наманган вилоят бошқармаси ашёвий далиллар сақлаш хонасида сақланаётган 12 туп ва 33,78 грамм каннабис ўсимлиги ҳукм қонуний кучга киргач тегишли тартибда йўқ қилинсин, жиноят ишига қўшилган бир дона “ДВД” диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн сутка ичида Наманган вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят бериш ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

А.Кенжабаев

“Нусхаси аслига тўғри”

Туман судининг раиси

А.Кенжабаев

